




# Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

## Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси



# Солиқ ислоҳоти концепциясининг асосий жиҳатлари



**Солиқларни соддалаштириш**

**Солиқ ва тўловларнинг сонини  
қисқартириш**

**Солиқ ставкаларини пасайтириш**

**Солиқ юкини тенг тақсимлаш**

**Бизнесни хуфиёна иқтисодиётдан очиқ  
ишлашга чиқариш**

**Инвестицион жозибадорликни ошириш**



# Фуқароларнинг иш ҳақидан тўланадиган солиқлар (ФОТ)

Амалда	Ставка
Даромад солиғи ставкаси (4 босқич)	0
	7,5 %
	16,5 %
	22,5 %
Суғурта бадали	8%
Ягона ижтимоий тўлов	15 % (кичик корхоналар ва ф/х)
	25 % бошқалар
<b>39,5%</b> <b>49,5%</b>	

Концепция	Ставка
Даромад солиғи ставкаси (Ягона)	12%
Суғурта бадали	0%
Ягона ижтимоий тўлов	12 %
	25 % (Бюджет ташкилотлари ва давлат улуши 50%)
<b>24% - 37%</b> <b>3,9 трлн</b>	

1,4 мартаба



# Солиқ ҳисоботлари соддалаштирилиши


Ҳисобот тури	Амалдаги иловалар сони	Соддалаштириш	Кутилаётган иловалар сони
Фойда солиғи	16	7	9
Ягона солиқ	13	6	7
Қўшилган қиймат солиғи	9	4	5
Мол-мулк солиғи	8	2	6

**Тадбиркор фақат ўз вақтида  
солиғини тўлаши керак  
холос**






# Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юкининг ўзгариши



■ Амалдаги ҳолат    ■ Концепция бўйича





# Солиқ ставкаларининг ўзгариши

Солиқ турлари	Амалда	2019 йил 1 январдан	Фарқи
Фойда солиғи	14%	12% ↓	- 2%
Мол-мулк солиғи	5%	2% ↓	- 3%
Давлат мақсадли жамғармалар	3,2%	0 ✗	- 3,2%
Ягона солиқ тўлови	5%	4% ↓	- 1%
Иш ҳақидан солиқлар			
- Ягона ижтимоий тўлов	15%	12% ↓	- 3%
- Суғурта бадалли	8%	0 ✗	- 8%
- Даромад солиғи	0, 7.5, 16.5, 22.5%	12% ↓	

**Солиқ тўловчи ихтиёрида**

**10,2 трлн.**



# Солиқ ислоҳоти концепциясидан кутилаётган натижалар



# Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби макрайқтисодий барқарорликни таъминлаш ва солиқ мажбуриятларининг бажарилишида корхоналарнинг маъмурий харажатлари ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида жорий қилинмоқда.

Мазкур тартиб солиқ маъмуриятчилиги сифатини яхшилаш учун асос шакллантириш имконини берадиган ўтиш чораси бўлиб, **2021 йил 1 январгача** бўлган даврга жорий қилинади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини **айланмаси 3 млрд.сўмдан ошмайдиган** корхоналар қўллаши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг мазкур тартиби ихтиёрий ҳисобланади яъни, корхоналар қўшилган қиймат солиғини стандарт тартибда тўлашга ўтишлари ҳам мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланувчи корхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди.



# Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарнома қуйидаги муддатларда тақдим этилади :

Ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар — жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан

Солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган юридик шахслар — ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан

Ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган юридик шахслар — ҳисобот даври бошланишидан бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунга қадар

# Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби.

Соддалаштирилган тартиб бўйича қўшилган қиймат солиғи харид қилинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф тушумдан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.

Соддалаштирилган тартибда ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси стандарт тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси томонидан ҳисобга олиниши мумкин бўлади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда амалга оширилади.

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СОҲАЛАР ВА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

№	Тўловчилар	Солиқ ставкаси, фоизда (солиқ солинадиган базага нисбатан)
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари юридик шахслари, 2-6-бандларда назарда тутилганларидан ташқари	7
2.	Қурилиш корхоналари	8
3.	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари	6
4.	Умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона хизмати	10
5.	Профessional хизматлар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг хизматлари, брокерлик хизматлари ва бошқалар) кўрсатувчи юридик шахслар	15
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясини амалга оширувчи юридик шахслар, бундан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар мустасно	4



# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

## УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАСИ МИСОЛИДА

### СТАНДАРТ ҚҚС




#### Ўтиш шартлари

Ялпи тушуми **1 млрд.сўмдан** ошган

Ставка миқдори **20 %**

Ҳисобга олиш ҳуқуқи



Хизматнинг ҚҚСсиз қиймати **2800** (800+1000+1000)  
 Ҳисобланган ҚҚС **560** (2800\*20%)  
 Хизматнинг ҚҚС билан қиймати **3360**  
 Тўланадиган ҚҚС **360** (560-200)



### СОДДАЛАШТИРИЛГАН ҚҚС




#### Ўтиш шартлари

Ялпи тушуми **3 млрд.сўмдан** олмаган

Ихтиёрий танланадиган режим

Ставка миқдори **10 %**

Ҳисобга олиш ҳуқуқисиз



Хизматнинг ҚҚСсиз қиймати **3000** (800+1000+1200)  
 Ҳисобланган ҚҚС **300** (3000\*10%)  
 Хизматнинг ҚҚС билан қиймати **3300**  
 Тўланадиган ҚҚС **300**





# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

## САВДО КОРХОНАСИ МИСОЛИДА

### СТАНДАРТ ҚҚС

#### Ўтиш шартлари



Ялпи тушуми **1 млрд.сўмдан** ошган



Ставка миқдори **20 %**



Ҳисобга олиш ҳуқуқи

Ставка **20%**



Товарлар импорти  
2 000



Импортдаги ҚҚС=400  
(2000x20%)

Ҳисобга олиш



Импорт қилинган товарлар реализацияси  
2 200 (Уларга устама 200)

Мижоз тўлайди 2 640 (Шундан ҚҚС 440)

Бюджет 40  
(440-400)

Ставка **6%**



Товарлар импорти  
2 000



Импортдаги ҚҚС=400  
(2000x20%)

~~Ҳисобга олиш~~



Импорт қилинган товарлар реализацияси  
2 600 (Уларга устама 200)

Мижоз тўлайди 2 756 (Шундан ҚҚС 156)

Бюджет 156

Товарнинг қиймати ҚҚСсиз **2200** (2000+200)

Ҳисобланган ҚҚС **440** (2200\*20%)

Товарнинг қиймати ҚҚС билан **2640**

Тўланадиган ҚҚС **40** (440-400)



### СОДДАЛАШТИРИЛГАН ҚҚС

#### Ўтиш шартлари



Ялпи тушуми **3 млрд.сўмдан** ошмаган



Ихтиёрий танланадиган режим

Ставка миқдори **6 %**



Ҳисобга олиш ҳуқуқисиз

Товарнинг қиймати ҚҚСсиз **2600** (2400+200)

Ҳисобланган ҚҚС **156** (2600\*6%)

Товарнинг қиймати ҚҚС билан **2756**

Тўланадиган ҚҚС **156**




# Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1065-сонли қарори билан тасдиқланган кўшилган қиймат солиғидан озод этилган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати:

1. Гўшт (мол, кўй, товук), шунингдек, ҳайвонлар (қорамол ва парранда) тирик ҳамда уларни сўйиш маҳсулотлари;
2. Балиқ;
3. Картошка;
4. Пиёз;
5. Тухум;
6. Гуруч (барча навлари);
7. Шакар, шу жумладан импорт килинган;
8. Нон маҳсулотлари.

Кўшилган қиймат солиғидан озод килиш бўйича имтиёз Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларини чакана ва улгуржи реализация қилинганда, нон маҳсулотларини эса ишлаб чиқарилганда ва реализация қилинганда берилади.



# Электрон ҳисоб-фактура тизими





Давлат солиқ хизмати органларининг  
электрон давлат хизматлари

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ !**